Ислом Нури

## Сафарга отланганда ва қайтганда айтиладиган дуолар

□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ :□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□ □□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□» : □□□□□ □□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□ □□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□» □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ «□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□) «□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар сафарга чиқсалар туяларига мингач, уч марта “Аллоҳу Акбар” деб, кейин: “Субҳанал-лазий саххара лана ҳаза ва ма кунна лаҳу муқринийн ва инна’ ила Роббина ламунқолибун, Аллоҳумма инна’ насъалука фии сафарина ҳаза ал-бирра ват-тақва ва минал-амали ма’ тарзо, Аллоҳумма ҳаввин алайна’ сафарана ҳаза ватви анна буъдаҳ, Аллоҳумма антас-соҳибу фис-сафар вал-халифату фил-аҳл, Аллоҳумма инний аъузу бика мин ваъсааис-сафар ва каабатил-манзар ва суил-мунқалаб фил-мали вал-аҳли вал-валад”, дер эдилар.

(Маъноси: Аллоҳ буюкдир! Аллоҳ буюкдир! Аллоҳ буюкдир! “Бизларга бу (маркаб)ни бўйсундириб қўйган зот (яъни Аллоҳ барча айбу-нуқсонлардан) покдир. Бизлар ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Шак-шубҳасиз, бизлар (барчамиз) Парвардигоримизга қайтгувчидирмиз.”

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com

(Зухруф сураси 13-оят.) Эй Аллоҳ, биз Сендан ушбу сафаримизда яхшилик-хайрни, тақвони ва Сен рози бўладиган амалларни сўраймиз. Парвардигоро, бизга бу сафаримизни енгил қил, унинг узоқлигини яқин қилгин. Илоҳо, сафардаги йўлдош ҳам, хонадондаги ўринбосар-халифа ҳам Ўзингдирсан. Эй Аллоҳим, мен Сендан сафар машаққатларидан, қайғули-ёмон кўринишлардан ҳамда мол-мулк ва оилага етадиган зиёну заҳматдан паноҳ сўрайман.)

Агар сафардан кайтсалар юқорида зикр қилинган дуони ўқир ва:

“Айибуна таибуна абидууна ли-роббина ҳамидууна”ни қўшиб қўяр эдилар.

(Маъноси: Биз сафаримиздан қайтувчи, тавба қилувчи, Раббимизга сиғинувчи ҳамда У зотга ҳамду санолар айтувчилармиз.)

□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□□ □□□□ □□□□) □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□□).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Сафарда агар бирон тепаликка кўтарилсак такбир айтар эдик, агар пастликка тушсак тасбеҳ айтар эдик.

□□□□□□□ □□□□□□□□ :□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□ □□□□□□ □□□□» :□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□ □□□□□ □□□□ □□□□) «□□□□□□ □□□□□□□□□□□).

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Хавла бинти Ҳаким розияллоҳу

анҳо айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ким бирон манзилга тушганида: {□□□□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□ □□□□□ □□□□ } (яъни: яратган нарсаларининг ёмонлигидан Аллоҳнинг мукаммал калималари билан паноҳланаман) деса, то шу манзилдан кетгунча унга ҳеч нарса зарар етказолмайди» деганларини эшитганман.

**Шарҳ:**

Инсон аҳли, моли, ватани ва биродарларидан ажралиб сафар қилган вақтида ўзи билан сафарда ҳам, муқим турганида ҳам бирга бўладиган Аллоҳ таолога кўпроқ илтижо қилишга муҳтож бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарга чиқишларида, сафардан қайтишларида, қасд қилган манзилга етганларида, сафар чоғида агар тепаликка чиқсалар ёки пастликка тушсалар, бирон ўринда дам олсалар, бу ўринларнинг ҳаммасида ўзига хос дуолар қилар эдилар. Демак, мўмин киши суннатга эргашиб ва сафарида турли бало-қазолардан сақланиб, саломат қайтиб келиши учун бу дуоларни ўз ўрнида ўқиб юрмоғи керак.

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Сафарга чиқишда ва қайтишда ўқиладииган дуоларни қилиш суннат.
2. Сафарда юрганда тасбеҳ ва такбир айтиш суннат.
3. {□□□□□□ □□□ □□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□ } инсонни ҳамма ёмонликдан – Аллоҳнинг изни билан – сақлайди.

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com